

ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакесва Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори, Тошкент
кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный университет,
Грузия*

Халикова Раҳбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон
Миллий университети*

Одилов Аброр Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Сайнова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*Тошкент давлат техника университети доцент,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

23. Berdiyev A.A. BUXORO AMIRLIGINING XVIII- XIX ASRLARDA TASHQI SAVDOSI VA DIPLOMATIK ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....	198
24. Ботиров Э. МУҒУЛЛАРДАН ТЕМУРИЙЛАРГАЧА: БОЖХОНА ВА БОЖ СОЛИҚЛАРИ ТАРИХИДАН.....	208
25. Валихонова Г. К. РУС САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА МУНОСАБАТЛАРИ.....	214
26. Ганиева Ч.Х. МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	220
27. Давлатова Ш. АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ МАНБА.....	227
28. Ёдгоров З.Ш. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.....	233
29. Жахонов Т. ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XX аср 70-йилларига қадар).....	239
30. Жўраев А. ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	244
31. Zupunova G. ONALIK MAROSIMI: TOSHKENT TATARLARINING QARASHLARI VA E'TIQODLARI.....	249
32. Инатов М.Н. XX АСР 20-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	261
33. Кариева Н.А. РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ Н.А.СЕВЕРЦОВНИНГ ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	269

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 34.Канимкулов О.Ш.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАМДА АРХЕОЛОГИЯ
ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯҲЁ ФУЛОМОВ ХИЗМАТЛАРИ.....278
- 35.Камолов Ж.М.**
ЭФТАЛИТЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ.....286
- 36.Курязова Д.**
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИ
МУЗЕЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ...292
- 37.Қурбонов Ф.Н., Шоев И.Х.**
БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ - КЎРИҚХОНАСИ ЖАМЛАНМАСИДАГИ
ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДАВРГА ОИД ТАНГАЛАР ВА ТАНГА
ХАЗИНАЛАРИ (НУМИЗМАТИК ТАҲЛИЛ).....299
- 38.Исматова Н.К.**
ЯНГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА
ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1989-2020 йиллар).....307
- 39.Исматуллаев Ф.О.**
ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДАГИ
ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....319
- 40.Кадирова М.Т.**
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР
ИМПЕРИЯСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....329
- 41.Каромов Ф.Ҳ.**
ТУРКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....334
- 42.Мажидов Ш.Ф.**
МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ЭТНОСИЁСИЙ
ЖИҲАТЛАРИ: ЕИ ТАЖРИБАСИ (2000-ЙИЛЛАР БОШИ).....340
- 43.Мамадаминова Б.**
ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ
ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....345
- 44.Mattiyev O'.B.**
TURKISTONDAGI AFG'ON MUHOJIRLARI FAOLIYATINING
GENERAL GUBERNATORLIK DAVRI HUJJATLARIDA YORITILISHI.....353

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ганиева Чарос Хашимовна,
Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик
ва дизайн институти доценти

МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНING ИСТИҚБОЛЛАРИ

For citation: Ganieva Charos Hashimovna. OPPORTUNITIES OF CULTURAL EDUCATION IN MUSEUM ACTIVITIES. Look to the past. 2020, SI, pp.220-226

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-26>

АННОТАЦИЯ

Мақолада замонавий таълим маконида музей педагогикаси ривожланишининг хусусиятлари муҳокама қилинади. Замонавий музейшуносликда маданий-таълим фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, музейлар тарихий, бадиий, эстетик ва илмий саводни оширишга хизмат қилувчи маскан эканлиги, музей педагогикасининг фан сифатида қарашлари ва талқинлари, музей-педагогик дастурларнинг моделлари, музейдаги болаларнинг билим фаолияти шакллари, музей ва таълим ўртасидаги ҳамкорликка бағишланган.

Калит сўзлар: ўзаро таъсир, алоқа, маданият, фанлараро, музей педагогикаси, музей таълими, таълим майдони.

Ганиева Чарос Хашимовна,
доцент Национального института
художеств и дизайна им К.Бехзода

ВОЗМОЖНОСТИ КУЛЬТУРНО-ОБРАЗОВАНИЯ В МУЗЕЙНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются особенности развития музейной педагогики в современном образовательном пространстве. Статья посвящена основными направлениями развития культурно-просветительской деятельности в современном

музейном деле, музеи являются способствующие пропаганде исторической, художественной, эстетической и научной грамотности, взглядов и интерпретаций музейной педагогики как моделей, музейно-педагогических программ, форм воспитательной деятельности детей в музеях.

Ключевые слова: взаимодействие, коммуникация, культура, междисциплинарность, музейная педагогика, музейное образование, образовательное пространство.

Ganieva Charos Hashimovna,
Associate Professor, National Institute
Arts and Design named after K. Behzod

OPPORTUNITIES OF CULTURAL EDUCATION IN MUSEUM ACTIVITIES

ABSTRACT

The article discusses the features of the development of museum pedagogy in the modern educational space. The article is devoted to the main directions of the development of cultural and educational activities in modern museum business, museums are contributing to the promotion of historical, artistic, aesthetic and scientific literacy, the views and interpretations of museum pedagogy as models, museum and pedagogical programs, forms of educational activities of children in museums.

Index Terms: interaction, communication, culture, interdisciplinarity, museum pedagogy, museum education, educational space.

Долзарблиги. Музейларни халқимизнинг маънавий-маърифий камолотида тутган ўрни ва ёш авлод маънавиятини шакллантиришдаги ўрни, музей фондларида сақланаётган халқимизнинг бой меросини авайлаб асраш, ўрганиш, дунёга тарғибқилиш, улардан ёш авлод онгида миллий гурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини шакллантиришдаги аҳамияти беқиёсдир. Музейга болани ёшлигидан жалб қилиш, аждодлари қолдирган бой маънавий меросни жажжи, мурғак қалбига сингдира олиш Ватанга бўлган муҳаббатини оширишга замин яратади. Бу борада эса музей ходимларининг меҳнати каттадир. Яъни, музейларда болалар учун махсус экспозициялар, кўргазмалар ташкил этилиши, музей залларида турли ёшдаги томошабинларга мўлжалланган махсус экскурсиялар ўтказилиши томошабинда музей тўғрисидаги маълумотни тез ва аниқ олишда ката самара беради. Бундан ташқари, музейларда оилавий ташрифларни кўпайтиришва улар билан боғлиқ турли қизиқарли ўйинлар, машғулотлар ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бу борада чет эл музейлари тажрибаларидан фойдаланиш лозим. Дунёнинг ривожланган қатор мамлакатлари музейларида оилавий ташриф кунлари, турли ўйинлар, махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Масалан, турли учрашувлар, оила вакилларига мўлжалланган замонавий техник дастурли интеллектуал ўйинлар фикримиз далилидир.

Таълимнинг бугунги вазифаси ўқувчиларни кун сайин ошиб бораётган ахборот - таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш имконияти ва шароитини яратиб бериш зарур.

Музейларни ихтисослик гуруҳларига классификациялашдан ташқари, асосий ижтимоий аҳамиятига қараб типологик равишда ҳам бўлинади. Музей тармоғида музейларнинг учта типи бўлиши мумкин:

- 1) Илмий -тадқиқот ҳамда маърифий;
- 2) Тадқиқот ва Академик;
- 3) Ўқув типи.

1. Музейнинг илмий -тадқиқот ва маърифий типи музей тармоғида энг устун туради; у кенг оммани фойдаланиши учун мўлжалланган. Илмий тадқиқотчилик ва тарихий, маданий бойликларнинг функцияси бу ерда ўзининг аҳамиятини сақлаб қолади, лекин, бунда улар музей тўпламларидан таълим ва тарбия мақсадида кенг фойдаланишга қаратилаган.

2. Тадқиқот ва Академик типдаги музейларда музей фондларида фойдаланиш тадқиқотчилик мақсадида амалга оширилади. Улар илмий -тадқиқотчилик институтлари, Фанлар Академияси қошидаги фаолият кўрсатадилар. Бу музейларнинг устувор тадқиқотчилик аҳамиятини, асосан, заҳираларнинг шаклланиш принциплари, уларнинг классификациялари, экспозициянинг характери аниқлайди ва мазкур музейлар асосан мутахассисларга мўлжалланган. Биология, геология, палеонтология каби музейлар шулар жумласидандир[6, 18].

Ўқув типдаги музейлар-ҳақиқий манбалар, яъни предмет воситаларидан фойдаланган ҳолда, ўқув жараёнини ташкиллаштиришга ёрдам беради. Коллекцияларнинг шаклланиши, классификацияси ва экспозицияси асосан ўқув дастурлари ва педагогик услубиятдан келиб чиққан ҳолда вужудга келади. Кўп ҳолларда ўқув музейлари турли ўқув муассасалари қошида фаолият кўрсатади. Анъанавий экскурсиядан ташқари, ўқув музейлари коллекциялар билан таништиришда специфик шакл ва ишлаш усулубини қўллайдилар: масалан, бирон бир музей предметини маъруза ўқиётганда кўрсатадилар; амалий машғулотларда дала тадқиқотлари материалларига ишлов бериб, илмий тасниф берилади.

Ҳозирги кунда бутун дунёда аҳоли, айниқса ёшларни музейларга кенг жалб этишнинг янги усули сифатида музейларнинг таълим йўналишини ривожлантириш, аҳолининг турли қатламлари учун таълим дастурларини амалга ошириш йўлга қўйилмоқда.

Республика музейларида маданий-таълим фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қуйидаги тарзда гуруҳлаштирилди:

Болалар музейлари. Мазкур йўналишдаги музейларини республика миқёсида кўпайтириш маданий-таълим фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналиши ва келажагини белгилаб беради.

Ўзбекистон тарихи давлат музейининг бу борадаги тажрибаси ўзини ижобий томондан намоён этди. Ўзбекистонда илк бора Ўзбекистон тарихи давлат музейи қошида "Мўъжизалар оламида" болалар музейи ташкил этилди. Мазкур болалар музейи 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган барча болаларга мўлжалланган. "Мўъжизалар оламида" номли болалар музейининг вазифаси - болаларда тарихга оид билимларини ривожлантириб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мустақил фикр юритиш, воқеа ва ҳодисаларга бефарқ қарамаслик ва энг асосийси ўз моддий-маданий меросини асраш туйғуларини шакллантиришда асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда музейлар асосан ёшларнинг қизиқиши ва талабини қондирувчи, тарих билан юзма-юз туриб эркин мулоқотга киришга имкон берувчи ягона мўъжизавий масканга айланиб бормоқда. Болалар ва ёшларни музейга ташрифи давомида экспонатларнинг нусхаларини қўлида

ушлаб кўриши, махсус ишланган макетларда археологик буюмларни қидириб топиши, улар билан турли танловлар ташкил этилиши музейга бўлган қизиқиш ва муҳаббатни шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Виртуал-музей педагогикаси. Замонавий музейшуносликда маданий-таълим фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Унинг ташкилий негизи виртуал музей ёки интернетдаги "веб-сайтлардир. Жаҳон миқёсида глобаллашув кучайиб бораётган бугунги кунда музейларн энг замонавий - инновацион шаклини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Кейинги йилларда замонавий технологияларнинг шиддатли тезликда ахборотлар оқимининг кириб келиши музейлар борасида ҳам ўзининг ижобий таъсирини бермоқда. Интернет саҳифаларида музей веб-сайтларининг бўлиши ҳам ҳар қандай томошабин учун ўзи танлаган музей тўғрисидаги маълумотни виртуал тарзда қабул қилишига кўмак беради [3, 45].

Виртуал музейларнинг афзалликларидан бири имконияти чекланган, узоқ манзилларда яшовчи кишилар учун яна бир қулайликдир. Мазкур йўналиш орқали музейларнинг масофадан туриб таълим бериш имкониятлари вужудга келиши билан аҳамиятга молик. Виртуал музей, азалдан қоғоз ёки магнитли воситаларга ёзилиб ўрганилган ва вақт ўтиб йўқолиб кетиши мумкин бўлган нодир архив ахборотларини сақлаб қолиш имконини беради. Яъни виртуал музей, ҳақиқий музейлар учун (ҳеч ким гаров бера олмайдиган турли хил табиий ўзгаришларни ва офатларни ҳисобга олган ҳолда) долзарб ҳисобланадиган ўз намуналарини сақлаш масаласини бартараф этади. Шу билан бирга ВМда ҳар қандай ахборотни сақлаб учун зарур бўлган жой умуман чекланмайди. Виртуал музей нафақат барча учун очиқ, балки у ҳамманики ҳам! Виртуал музейнинг шиори сифатида: "Бегона шахслар кириши ман этилмайди", деса бўлади. Ҳар бир қатновчи виртуал музейдаги исталган ахборотдан (суратлар, мақолалар, ҳужжатлар, фотосуратлар ва ҳ.к.) бепул ва эркин фойдаланиши мумкин. Бу ҳолат эса музейга оилавий ташрифнинг ривожланишига сабаб бўлиши мумкин. Натижада ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда томошабинга етказиб беришни йўлга қўйиш жамият олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ёшларни тарбиялашда илғор мамлакатлар музейлари тўплаган ижобий ютуқларни умумлаштириб, жаҳон тажрибасининг ижобий ва салбий томонларини таҳлил этиб, мос ва хос дастурлар ишлаб чиқишни бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Музейлар жамиятнинг энг кичик вакилларида тортиб то кексаларига қадар хизмат кўрсатсалар-да, янги авлоднинг дунёқараши, диди, онгини шакллантиришга туртки берувчи маскан сифатида ном қозонган.

Музейлар тарихий, бадиий, эстетик ва илмий саводни оширишга хизмат қилувчи маскан ҳисобланади. Уларда халқ, миллат ёки жаҳон тарихининг, маданиятининг, жамиятлар ривожини ва инқирозининг акси мавжуд. Турли давр, тарих ва жамиятларнинг излари муҳрланган экспонатларнинг қизиқарли намойиши улкан интеллектуал ва эмоционал таъсир қувватига эга. Музейда даврлар, жамиятлар, фикрлар ва ғоялар тўқнашувининг гувоҳи бўлиш мумкин. Замонавий ҳаётда музейлар анъанавий вазифалар ва функциялардан биров четга чиқиб, жамият ҳаётида актив иштирок этишига кўмак берувчи янада кенг дастурларни амалга ошириш керак. Томошабинларнинг қизиқишини оширишга хизмат қиладиган инновацион технологияларни музейлар бошқарувида қабул қилиш самарали натижа беради. Музейлар ёшларнинг маънавий меросга ҳурмат руҳида

тарбиялашда маданий-тарихий, табиий-илмий қадриятларни йиғувчи, улар ҳақидаги маълумотларни музей ашёлари воситасида тарғиб қилувчи ижтимоий институт бўлиб, улардан ўқув-тарбиявий мақсадда фойдаланишда қатор муаммоларни ҳал этишни тақозо этади [1, 34].

Музейларда ихтисослашган соҳаларга оид тўғараклар ташкил этиш: Таълим беришнинг мазкур шакли анъанавийлик касбэтсада бугунги кунда ҳам келажақда ҳам ўз аҳмиятини йўқотмаслиги билан ажралиб туради. Таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи ва талабаларга соҳага оид билимларини янада кенгайтириш ва мукаммаллаштиришда музей экспозициялари кенг имкониятлар фойдаланиш орқали тўғаракларга жалб этиш ҳамиша ёшларни қизиқтириб келган.

Таълим муассасалари ва музей ҳамкорлиги: Бу борадаги ишларни ривожлантириш мақсадида таълим муассасаларига янги қабул қилинган ўқувчи-талабаларнинг музейга ташрифларига катта эътибор қаратилиши лозим.

Таълим муассасалари билан келишилган ҳолда музейга ташрифларни ташкил этиш ҳамда ўқув семинарлар ўтказиш йиллик режа-жадваллари тузиш мақсадга мувофиқ.

Ёшларни янада қизиқтириб, музейга жалб қилиш борасида замонавий ва ноанъанавий музей педагогикаси элементарини қўллаш ишлари йўлга қўйилиши лозим. Жумладан, музей экспозицияларининг мазмун-моҳиятини ташриф буюрган: ўқувчилар, талабалар, катта ёшдагилар, мутахассислар, мамлакатимиз меҳмонлари бўлган сайёҳлар, ёлғиз ва жамоа бўлиб келган гуруҳларнинг қизиқиши, дунёқарашларини инобатга олиб, мослаштирилган ҳолда етказиб бериш ишлариалоҳида эътибор беришни талаб этилади [2, 26].

Яна бир йўналиш: ўқувчилар экскурсиядан сўнг музей конференция залигатаклиф этилиб, у ердатурли викторина, савол-жавоблар ўтказилади. Бундан ташқари, уларга экскурсияда берилган қизиқарли маълумотлар бўйича ҳар хил рангли расмлар билан бойитилиб, педагогик методлар асосида ишлаб чиқилган варақчалар тарқатилади. Варақчаларни шакллантиришда "ақлий ҳужум", "кроссворд", "мантиқий бошқотирма", "ёпиқ тест", "очиқ тест" ва бошқа усуллар кенг қўлланилади. Бундай усулларни музейдаги таълимий машғулотларда қўллаш, томошабинда экспозиция билан танишиш жараёнидаги суст кайфиятни баргараф этишга, предметга бўлган муносабатни шакллантиришга, кўриш ва кузатиш, эслаб қолиш, ўз фикрини билдириш қобилиятини шакллантиришга, музейда олинган билимларни ўзлаштиришга ёрдам беради. Мазкур усуллар музей ташрифчисининг шунчаки томошабин эмас, балки ўтказиладиган қизиқарли тадбирларнинг фаол иштирокчисига айланишига қаратилган. Асосий мақсадимиз ўсиб келаётган баркамол, ижодкор шахсни шакллантиришда музейнинг ҳиссасини қўшишдан иборатдир [1, 8].

Музей экспозициялари ва кўргазмаларини таълим тизими стандартларига мослаштириш: Келажақда музейларида маданий-таълим фаолиятини ривожлантиришнинг асосий истиқболаридан бири сифатида таълим тизими стандартларига экспозиция ва кўргазмаларни мослаштириш таклиф қиламиз.

Музей педагогикаси фаолиятида мактаб ёшигача (3 ёшдан 7 ёшгача) бўлган болаларга экскурсия ташкил этиш: Музей педагогикаси фаолиятида мактаб ёшигача (3 ёшдан 7 ёшгача) бўлган болаларнинг психологик асосларлар ва қабул қилиш даражаларини ўрганиш. Болаларда атроф-муҳитни ўрганишда фикрлаш ва эслаб қолиш қобилиятларини шакллантириш. Айнан шу ёшга хос уйин тарзидаги суҳбат орқали экскурсиялар олиб бориш. Болаларнинг шаклланаётган психологик

жараёнларини ўрганиб ижодий қобилиятларини ривожлантириш. Бу борада уларга мослаштирилган сенсор киосклар, плазма панеллардан фойдаланиш.

Музей педагогикаси инсонларни музей этишни мактаб ёшидан илгарийёк бошлашни мақул кўради. Ҳар бир одамда ўзи туғилиб ўсган юрти, шаҳари, қишлоғи тарихи билан фахрланиш ҳиси мавжуд бўлади. Мазкур омилдан музейларнинг таълим йўналишидаги ўрнини янада ортириш йўлида ижобий фойдаланиш мумкин. Бунинг учун музейларнинг экспозиция ва кўргазмаларини таълим тизими стандартларига мослаштириш керак. Республикамиз музейлари ўз йўналишларига қараб ҳалқимиз бой маданий меросини, унинг тараққиёт босқичларидаги ўрнини ҳаққоний акс эттириб, замон талаблари асосида истиқлол руҳидаги экспозициялар яратиши зарурлиги, музейларни маънавият ўчоғига айлантириб, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига давлатчилигимиз тарихига, қадимги асос солинган аждодларимиз меросига нисбатан ғурур ва фахр туйғусини сингдириш, музейларимиздаги бой экспонатларни, ютуқларимизни жаҳон жамоатчилигига танитиш мақсадида тарғибот ишларини кучайтириб бориши лозим. Шу билан бир қаторда фаннинг бошқа йўналишлари бўйича ҳам экспозиция ва кўргазмалар ташкил этилиши ва таълим муассасаларида ўтказилаётган дарс соатларига монанд доимий ўзгартириб боришлари талаб этилади.

Музей педагогикаси фаолиятида замонавий йўналишлар классификациясида базавий шакллар, синтетик шакллар, ноанъанавий шакллар. Музейлар қошида аудиторияни ташкиллаштириш муаммолари: клуб (интернет-клуб), тўгараклар, студия, малака ошириш курслари, мактаб ёшидаги болаларга маданият университетларини ташкил этиш.

Мактаб ўқувчиларига музей педагогикасини ташкил этиш: Бу ёшдаги болаларнинг музейга ташрифи ва уларни асосий қизиқтирувчи омиллар таҳлили. 7-11 ва 11-15 ёшдаги ўқувчилар учун ажралиб турадиган кўринишдаги, уларнинг руҳиятига тўғри келувчи диалог экскурсиялар ташкил этиш. Улар билан ишлашда визуал маҳоратга эга бўлиш асослари. Дидактик ўйинлар, ривожлантирувчи машқлар, ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш. Монографик тавсифга эга экскурсиялар. Диалог, дискуссия, суҳбатларнинг аҳамиятли жиҳатлари.

Ўсмир (16-17) ёшларга музейларда музей педагогикасини тадбиқ этиш муаммолари: Шу ёшдаги аудиториянинг психологик тавсифини ўрганиш. Уларда ўқишни давом эттириш ёки иш танлаш жараёнларида бевосита музей педагогикасининг аҳамиятли жиҳатлари. Уларни ҳаётга тайёрлаш, ўз кучларига ишониб борасида музей педагогикаси орқали дунёқарашларини кенгайтириш. Чуқурлаштирилган тематик экскурсиялар орқали ёшларнинг эрудициясини ошириш. Бу гуруҳ учун уч аспектли экскурсия лойиҳаларини ишлаб чиқиш: умумий таништирув (интеллектни ривожлантириш), эмоционаллик (эмоционал қайишқоқлик жараёнлари ва музей ёдгорликларнинг асосий таъсирчан жиҳатлари билан қизиқтириш) ва аффективлик (музей ёдгорликлари орқали маънавий онг ва миллий ғурурни шакллантириш).

Музей педагогикаси фаолиятида талабаларга экскурсия ташкил этиш: Бу гуруҳ учун ҳаётдаги энг муҳим уч асосий жараёнларни таҳлил этиш зарур: ОТМ даги ўқиш муаммолари, иш излаш масалалари, харбий хизмат шунингдек жамиятдан чекланиш муаммолари (ғиёҳвандлик, диний секталар) Бу жараёнда музей педагогикасида экскурсия жараёнида мавзуга уйғунлаштирилган холда ҳаётда ўз йўлини тўғри танлаш фикрлари уйғунлаштириш.

Шунингдек, музейлар қошида талабаларга музей-клублар, музей-устахоналар (студия), музей-лаборатория, музей-театр, музей-адаптацион марказлари, музей-экскурсия бюрolari, музей-ўйингоҳлари, музей кафе, музей-ярмаркалар ташкил этиш ҳам самарали ҳисобланади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Гнедовский М.Б. Музей и образование: материалы для обсуждения [Текст] / М.Б.Гнедовский, Н.Г. Макарова, М.Ю. Юхневич. - Москва : ВНИК "Школа", 1989. - С.19 (Gnedovsky M.B. Museum and Education: Discussion Materials [Text] / M.B. Gnedovsky, N.G. Makarova, M.Yu. Yukhnevich. - Moscow: VNIK "School", 1989. - P.19)
2. Музееведение [Текст]: учеб. пособие для студентов специальности 031502 - музеология / Л.Г. Гужова и др.; под. ред. доц. Н.В. Мягиной; Владим. гос. ун-т. - Владимир: Изд-во Владим. гос. ун-та, 2010. - 116 с. (Museum studies [Text]: textbook. manual for students of specialty 031502 - museology / L.G. Guzhova and others; under. ed. Assoc. N.V. Mytin; Vladim. state un-t - Vladimir: Publishing house Vladim. state University, 2010 . - 116 p.)
3. Никишин, Н.А. Музей и новые технологии. На пути к музею XXI века [Текст]: сборник статей / Н.А. Никишин. - Москва : Пресс-Традиция, 1999. - 153 с. (Nikishin, N.A. Museum and new technologies. On the way to the museum of the XXI century [Text]: collection of articles / N.A. Nikishin. - Moscow: Press Tradition, 1999 . - 153 p.)
4. Поплевина Л.В. Повышение роли музеев как центров культурно-просветительной работы среди населения [Текст]: сборник научных трудов / Л.В. Поплевина. - Ленинград, 2008. - С.103-114. (Poplevina L.V. The increasing role of museums as cents of cultural and educational work among the population [Text]: collection of scientific works / L.V. Poplevina. - Leningrad, 2008. - P.103-114.)
5. Сапажа О.С. Методология теоретического музееведения [Текст]: монография / О.С. Сапажа. - Санкт-Петербург, 2008. - 108 с. 5. (Sapage, OS Methodology of Theoretical Museology [Text]: monograph / OS. Sapage. - St. Petersburg, 2008 . - 108 p.)
6. Столяров Б.А. Музейная педагогика. История, теория, практика [Текст]: учебное пособие / Б.А. Столяров. - Москва : Высшая школа, 2004. - 216 с. (Stolyarov, B.A. Museum pedagogy. History, Theory, Practice [Text]: textbook / B.A. Joiners. - Moscow: Higher School, 2004 . - 216 p.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

МАХСУС СОН

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000